

**Ғайибов Шухрат Эшпулат ўғли: “Жаҳон банк амалиётида жамғарма ишини ташкил этишнинг замонавий тенденциялари”**  
(5A230701-“Банк иши (пул муомаласи ва кредит бўйича)”

**Илмий раҳбар:** проф. Абдуллаева Ш.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Банклар фаолиятида жамғарма ишини ташкил этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш, жаҳон амалиётидаги мавжуд тажрибалардан кенг фойдаланиш орқали мамлакатимиз банк тизимида жамғарма ишини ривожлантириш бўйича илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари.**

- банкларда жамғарма ишини ташкил этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

- жамғарма ишини ташкил этиш бўйича хорижий тажрибаларни тадқиқ этиш;

- мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар банк амалиётида мавжуд жамғарма ишини ташкил этиш принципларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- мамлакатимиз банк амалиётига жамғарма ишини ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш;

- республикаимиз банкларида аҳоли жамғармаларини жалб этишни янада ривожлантириш билан боғлиқ илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.